

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

ДАРОМАДЛАРИНИНГ 2022  
ЙИЛДАГИ ИЖРОСИ  
БҮЙИЧА ДАСТЛАБКИ  
НАТИЖАЛАР




**IMV**  
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI

## Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг 2022 йилдаги ижроси бўйича дастлабки натижалар

Давлат бюджети даромадлари 2022 йилда **202 трлн сўмни** (ЯИМга нисбатан 22,7 %) ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан **37,2 трлн сўмга ёки 22,6%га ошди.**

### Давлат бюджети даромадлари динамикаси



Ҳисобот йилида Давлат бюджети даромадларининг ЯИМ<sup>1</sup>даги улуши **22,7%**ни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2021 йилга нисбатан солиштирилганда **0,3%**га ва 2020 йилга нисбатан **0,6%**га ошди.

Ҳисобот йилида Давлат бюджети таркибидаги **Солиқ қўмитаси** маъмурчилигидаги тушумлар **148,4 трлн сўмни** (жами Давлат бюджети даромадларига нисбатан 73,4%), **Божхона қўмитаси** бўйича тушумлар **46,0 трлн сўмни** (22,8%) ҳамда **бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар** **7,6 трлн сўмни** (3,8%) (қўшилган қиймат солиги бўйича қайтариш (қоплаб бериш) (19,3 трлн сўм) ва фуқароларга хариð суммасидан 1% (“кэш-бэк”) қайтаришни (0,8 трлн сўм) ҳисобга олган ҳолда ) ташкил қилди.

Бунда, **Солиқ қўмитаси** бўйича белгиланган прогноз **6,0 трлн сўмга ёки 4,2%га** ортиғи билан бажарлди. Тушумлар 2021 йилга нисбатан **20,4 трлн сўмга ёки 16%га**, 2020 йилга нисбатан эса **44,8 трлн сўмга ёки 43,3%га** ошди.

Шу билан бирга, **божхона қўмитаси** бўйича белгиланган прогноз **4,9 млрд сўм ёки 11,9%га** ортиғи билан бажарилди. Тушумлар 2021 йилга нисбатан **12,8 трлн сўм ёки 38,5%га**, 2020 йилга нисбатан эса **21,3 трлн сўм ёки 86,3%га** ошди.


2021 йилга нисбатан **бевосита солиқлар, ресурс тўловлари ҳамда мол-мулк солигининг** Давлат бюджети даромадларидағи улуши камайган бўлса, **бильвосита солиқлар ҳамда бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумларнинг** улуши ошди.

<sup>1</sup> 2022 йил учун дастлабки ҳисоб-китоблар асосида

млрд сүм

№	Күрсаткичлар	2020 йил			2021 йил			2022 йил		
		сумма	жами тушумга нисбатан, %	ЯИМдаги улуси, %	Сумма	жами тушумга нисбатан, %	ЯИМдаги улуси, %	сумма	жами тушумга нисбатан, %	ЯИМ'даги улуси, %
	<b>ЯИМ</b>	<b>602 551</b>			<b>734 588</b>			<b>888 342</b>		
	Давлат бюджети даромадлари	132 938		22,1	164 799		22,4	202 043		22,7
1.	Бевосита солиқлар	45 207	34,0	7,5	58 930	35,8 ▲	8,0 ▲	64 447	31,9 ▼	7,3 ▼
2.	Билвосита солиқлар	46 428	34,9	7,7	56 290	34,2 ▼	7,7 ■	71 390	35,3 ▲	8,0 ▲
3.	Ресурс тұловлари ва мол-мұлқ солиги	21 257	16,0	3,5	23 036	14,0 ▼	3,1 ▼	23 913	11,8 ▼	2,7 ▼
4.	Бошқа даромадлар ва солик бўлмаган тушумлар	20 046	15,1	3,3	26 542	16,0 ▲	3,6 ▲	42 293	21,0 ▲	4,8 ▲

### 2020-2022 йилларда давлат бюджети даромадлари тузилмаси




**Йирик солиқ тұловчилар бүйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси бүйича 2022 йилда тушумлар 88,3 трлн сүмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 6,0 трлн сүмга ёки 7,3%га ошди.**

## 1. Бевосита солиқлар бўйича даромадларнинг ўзгариши

Бевосита солиқлар бўйича тушумлар 2022 йилда **64,4 трлн сўмни** ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан **5,5 трлн сўмга** ёки **9,4%**га ошди.


### 2020-2022 йилларда бевосита солиқлар турлари бўйича тушумлар динамикаси



#### 1.1. Фойда солиғи

Фойда солиғи бўйича тушумлар 2022 йилда **37,6 трлн сўмни** ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан **713,0 млрд сўмга** ёки **1,9%**га камайди.

### 2020-2022 йилларда фойда солиғи бўйича тушумлар динамикаси




Олтин ва мис қазиб олувчи корхоналардан (НКМК ва ОКМК) ташқари бошқа солиқ тўловчилар ҳисобидан фойда солиғи тушумлари 2022 йилда **20,3 трлн сўмни** ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан **7,6 трлн сўмга** ёки **60%**га ошди.

Хусусан, **Йирик солик тўловчилар бўйича ҳудудлараро солик инспекциясида** рўйхатда турувчи солик тўловчилар (НКМК ва ОКМКсиз) томонидан фойда солиғи бўйича тушумлар 2022 йилда **13,9 трлн сўмни** ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан **5,4 трлн сўмга ёки 64%**га ошди.

Ҳудудий солик тўловчилар томонидан фойда солиғи бўйича тушумлар 2022 йилда **6,4 трлн сўмни** ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан **2,2 трлн сўмга ёки 52%**га ошди.

Иқтисодий фаолият турлари (иқтисодиёт тармоқлари) бўйича фойда солиғи солик тушумларининг таҳлилига кўра, тушумларнинг энг катта улуши (**88%**) иқтисодий фаолиятнинг **5 та** турига тўғри келди.

**2022 йилда иқтисодиёт тармоқларининг фойда солиғи тушумларидаги улуши**



2022 йилда молиявий ва суғурта фаолиятида (1,7 баробарга), қурилиш соҳасида (1,6 баробарга), шунингдек ишлаб чиқариш ҳамда улгуржи ва чакана савдо соҳаларида (деярлик 1,4 баробарга) солик тушумларининг сезиларли ўсиши кузатилди.

**2020-2022 йилларда иқтисодий фаолият турлари бўйича фойда солиғи бўйича солиқ тушумлари тўғрисида маълумот**

млрд сўм

№	Кўрсаткичлар	2020 йил		2021 йил		2022 йил		Ўсиш, %	2022/ 2020 йй.	2022/ 2021 йй.
		сумма	улуш, %	сумма	улуш, %	сумма	улуш, %			
	<b>Жами</b>	<b>28 712,2</b>		<b>38 363,3</b>		<b>37 649,9</b>		<b>130,8</b>		
	<i>шундан, тармоқлар бўйича</i>									
1	Ишлаб чиқариш	2 851,5	9,9	4 380,8	11,4	6 485,1	17,2	227,4	148,0	
2	Молиявий ва сугурта фаолияти	1 884,0	6,5	2 546,5	6,6	4 410,6	11,7	234,1	173,2	
3	Улгуржи ва чакана савдо	1 399,5	4,9	2 016,7	5,2	2 911,0	7,7	208,0	144,3	
4	Қурилиш	840,0	2,9	933,3	2,4	1 503,7	4,0	179,0	161,1	
5	Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	19 503,9	67,8	25 740,5	67,0	17 822,7	47,3	91,4	69,7	

**Фойда солиғи бўйича тушумларни камайишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатди, жумладан:**

- НКМК ва ОКМК учун фойда солигининг юқори ставкаси **75%дан 50%гача** пасайтирилиши ҳамда ушбу корхоналарнинг харажатлари ўсиши натижасида мазкур солиқ тўловчилар томонидан 2021 йилга нисбатан фойда солиғи **8,3 трлн сўм** миқдорида кам тўланди (бунда фойда солигининг пасайтирилган ставкасининг фарқи дивиденд тарзида бюджетга ундирилди);
- 2022 йилда амортизация ажратмалари нормалари ўртacha 2 баробарга оширилди. Натижада, 2022 йил 9 ойлик солиқ ҳисоботларига кўра амортизация нормалари миқдорини кўпайиши сабабли фойда солиғи базасидан чегирилган **8,9 трлн сўм** ҳисобидан деярлик **1,3 трлн сўм** маблағлар хўжалик субъектлари ихтиёрида қолдирилди;
- бир марталик инвестициявий чегирма миқдори 2 баробарга оширилди. Бунинг натижасида солиқ тўловчилар бир вақтнинг ўзида фойда солиғи бўйича солиқ базасини **1 264,0 млрд сўмга** камайтирдилар ва деярлик **190 млрд сўм** уларнинг ихтиёрида қолдирилди;
- тадбиркорлик субъектларига онлайн назорат-касса машинаси ва виртуал кассага уланган, штрих-кодлар ва рақамли маркировка кодларини тўғри ўқишни ва аниқлашни таъминловчи маҳсус қурилмаларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни фойда

солиғини ҳисобига камайтириш имконияти яратилғанлиги натижасида **2 854 та** солиқ түловчилар ихтиёрида фойда солиғи ҳисобидан **6,1 млрд сұм** қолдирилди;

- махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчилариға фойда солиғини тұлашдан үзи киритган инвестициялар ҳажмига қараб озод этилиши жорий қилинди (3 - 5 миллион АҚШ долларигача бўлган миқдордаги инвестициялар учун – **3 йил** муддатга; 5 - 15 миллион АҚШ долларигача бўлган миқдордаги инвестициялар учун – **5 йил** муддатга; 15 миллион АҚШ доллари ва ундан юкори миқдордаги инвестициялар учун – **10 йил** муддатга). Натижада **55 та** солиқ түловчилар ихтиёрида **151,6 млрд сұм** маблағлар қолди.

**Фойда солиғи** бўйича тушумларни ўсишига бир қатор омиллар ижобий таъсир кўрсатди. Жумладан:

- фойда солиғи түловчилар сони 2022 йилда **165,2 мингтани** ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан **24,6 мингтага** ёки **17,5%**га ошди;
- 2022 йилда фойда солиғи бўйича бўнак тўловларини тўлайдиган солиқ түловчилар сони **19 788 тани** ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан **5 461 тага** ёки **38,1%**га ошди:

<b>Фойда солиғи бўйича бўнак тўловларини тўлайдиган солиқ тўловчилар сони</b>			<b>Ўсиш (2021 й. / 2022 й.)</b>
<b>2020 йил</b>	<b>2021 йил</b>	<b>2022 йил</b>	
11 456	14 327	19 788	5 461

*Маълумот учун: жами даромади жорий солиқ давридан олдинги солиқ даври учун киристилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда 5 млрд сұмдан ошадиган солиқ тўловчилар ҳар ойлик бўнак тўловларини тўлайди.*

- тижорат банклари томонидан **эҳтимолий йўқотишлар бўйича яратиладиган захира фондларини** фойда солиғи базасидан чегириладиган миқдори **80%**гача пасайтирилди (2021 йилда яратилган захираларнинг **100%**и солиқ базасидан чегирилар эди). Натижада, 2022 йилда тижорат банклари томонидан тўланган фойда солиғи 2021 йилга нисбатан **1,2 трлн сўмга** ёки **99%**га ошди.

Бундан ташқари, фойда солиғи тушумларини ўсишига полиэтиллен ва мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ставкаларини пасайтирилғанлиги, суюлтирилған газ учун акциз солиғини бекор қилингандылығы, солиқ маъмуриятчилиги

такомиллаштирилганлиги, жумладан текширувдан олдинги таҳлил ва бошқа назорат тадбирлари натижаси ижобий таъсир кўрсатди.

## 1.2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи

**Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи** бўйича тушумлар 2022 йилда **24,3 трлн сўмни** (шу жумладан, *тўлов манбаида ушлаб қолинадиган солиқ бўйича – 22,5 трлн. сўмни*) ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан **5,4 млрд сўмга ёки 28,4%га ошди**.

Бунда, қатъий белгиланган миқдорда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича тушумлар 2022 йилда **393,3 млрд сўмни** ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан **3,4 млрд сўмга ёки 0,9%га камайди**.

**Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи** бўйича тушумларнинг ўсишига бир қатор омиллар ижобий таъсир кўрсатди. Жумладан:

- бюджет секторида энг кам иш ҳақини 2021 йилга нисбатан ўртача **14,7%га оширилиши**;
- иқтисодиётнинг барча секторларида ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини легаллаштириб борилиши.

Натижада 2022 йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилари сони **5 018 мингтани** ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан **215 мингтага ёки 8%га ошди**.

### 2020-2022 йилларда бюджет ва нобюджет ташкилотлари кесимида иш ҳақи даражаси динамикаси

№	Иш ҳақи миқдори	2021 йил (ноябрь)		2022 йил (ноябрь)		минг киши
		тўловчилар сони	улуси, (%)	тўловчилар сони	улуси, %	
1.	<b>1 млн. сўмгача</b>	<b>1 509 741</b>	<b>31,4</b>	<b>1 404 377</b>	<b>28,0</b>	
	<i>бюджет сектори</i>	451 640	9,4	369 089	7,4	
	<i>нобюджет сектори</i>	1 058 101	22,0	1 035 288	20,6	
2.	<b>1 млн. сўмдан 2 млн. сўмгача</b>	<b>1 231 621</b>	<b>25,6</b>	<b>1 232 569</b>	<b>24,6</b>	
	<i>бюджет сектори</i>	603 732	12,6	610 734	12,2	
	<i>нобюджет сектори</i>	627 889	13,1	621 835	12,4	
3.	<b>2 млн. сўмдан 4 млн. сўмгача</b>	<b>1 221 308</b>	<b>25,4</b>	<b>1 264 598</b>	<b>25,2</b>	
	<i>бюджет сектори</i>	600 468	12,5	655 941	13,1	
	<i>нобюджет сектори</i>	620 840	12,9	608 657	12,1	
4.	<b>4 млн. сўмдан 5,5 млн. сўмгача</b>	<b>383 523</b>	<b>8,0</b>	<b>467 233</b>	<b>9,3</b>	
	<i>бюджет сектори</i>	152 308	3,2	218 240	4,3	

минг киши

№	Иш ҳақи миқдори	2021 йил (ноябрь)		2022 йил (ноябрь)	
		Тўловчилар сони	улуши, (%)	Тўловчилар сони	улуши, %
	нобюджет сектори	231 215	4,8	248 993	5,0
5.	5,5 млн. сўм ва ундан юқори	456 424	9,5	649 255	12,9
	бюджет сектори	144 491	3,0	224 678	4,5
	нобюджет сектори	311 933	6,5	424 577	8,4
	Жами:	4 802 617	100	5 018 032	100

Шунингдек, 2022 йилда меҳнатга ҳақ тўлаш фонди **156,9 трлн сўмга** етиб, 2021 йилга нисбатан **30,7 трлн сўмга** ёки **25%**га ошди.

Тақдим этилган солиқ ҳисоботи асосида адвокатлик ва аудиторлик ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи қўринишидаги даромадлари ҳам таҳлил қилинди (2022 йил ноябрь ойи мисолида).

#### Адвокатлик ва аудиторлик ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи

Т/р	Иш ҳақи миқдори	Адвокатлик ташкилотлари		Аудиторлик ташкилотлари	
		Тўловчилар сони, киши	Улуши (%)	Тўловчилар сони, киши	Улуши (%)
1.	1 млн сўмгача	1624	34,8	196	13,6
2.	1 млн сўмдан 2 млн сўмгача	1249	26,8	340	23,5
3.	2 млн сўмдан 4 млн сўмгача	816	17,5	237	16,4
4.	4 млн сўмдан 5 млн сўмгача	276	5,9	124	8,6
5.	5 млн сўм ва ундан ортиқ	702	15,0	548	37,9
	Жами:	4152	100	1532	100

Ҳисоботлардан шуни қўриш мумкинки, адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар ходимларининг – **34,8%**и **1 млн сўмгача** ва **37%**и **5 млн сўмдан юқори** иш ҳақи олади.

2022 йилда солиқ тўловчиларнинг дивидендерлар ва фоизлар тарзидаги даромадларидан давлат бюджетига **758,6 млрд сўм**, молмулкни ижарага беришдан олинган даромадларидан эса **361,6 млрд сўм** даромад солиги тўланди.

Жисмоний шахсларнинг дивиденд тарзида олган даромадлари 2022 йилда **8,8 трлн сўмни** ташкил этиб, ушбу даромадлар ҳисобидан **429 млрд сўм** даромад солиги тўланди.

## Жисмоний шахсларнинг дивиденд тарзида олган даромадлари

млрд сўм

Солиқ тўловчилар	2021 йил		2022 йил	
	Дивиденд тарзида олинган даромадлари	Тўлов манбаидан ушлаб қолинган солиқ суммаси	Дивиденд тарзида олинган даромадлари	Тўлов манбаидан ушлаб қолинган солиқ суммаси
Жисмоний шахс	7 573,6	379,9	8 794,2	429,0


### 1.3. Айланмадан олинадиган солиқ

**Айланмадан олинадиган солиқ** бўйича тушумлар 2022 йилда **2,5 трлн сўмни ташкил** этиб, 2021 йилга нисбатан **863,3 млрд сўмга ёки 52,3%**га ошди.

**Айланмадан олинадиган солиқ** тўловчилар сони 2022 йилда **330,7 мингтани ташкил** этиб, 2021 йилга нисбатан **24,1 мингтага ёки 7,3%**га ошди.

Айланмадан олинадиган солиқ тушумларининг ҳудудлар кесимидағи таҳлилига кўра Тошкент шаҳрининг улуши энг юқори – **31,7%**ни ташкил этди.

#### 2022 йилда ҳудудлар кесимида айланмадан олинадиган солиқ тушумлари (млрд сўм)



Айланмадан олинадиган солиқ бўйича тушумларнинг ўсишига иқтисодий ўсиш, солиқ органларида замонавий ахборот


технологияларини, хусусан онлайн НКМ, “кеш-бæk” ва “солиқ ҳамкор” тизимларини жорий этилиши ижобий таъсир күрсатди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига онлайн назорат-касса машинаси ҳамда виртуал кассага уланган, штрих-кодлар ва рақамли маркировка кодларини түғри ўқишини ва аниқлашни таъминловчи махсус қурилмаларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатларини **айланмадан олинадиган солиқ** базасидан чегириш имконияти берилгандылык натижасида **17 539** та солиқ түловчилар ихтиёрида **16,8 млрд сүм** маблағ қолди.

## 2. Билвосита солиқлар бўйича даромадларнинг ўзгариши

**Билвосита солиқлар** бўйича тушумлар 2022 йилда **71,4 трлн сўмни** ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан **15,1 трлн сўмга** ёки **26,8%**га ошди.

**2020-2022 йилларда билвосита солиқлар бўйича тушумлар динамикаси (трлн сўм)**



### 2.1. Қўшилган қиймат солиги

**Қўшилган қиймат солиги** (ҚҚС) бўйича тушумлар 2022 йилда **52,2 трлн сўмни** ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан **13,8 трлн сўмга** ёки **35,8%**га ошди.

2022 йилда ҚҚС бўйича давлат бюджетига **солиқ органлари** томонидан **32,8 трлн сўм** (2021 йилга нисбатан 28,3%га кўпроқ), **божхона органлари** томонидан **38,7 трлн сўм** (2021 йилга нисбатан 41,8%га кўпроқ) ундирилди.

2022 йил 1 апрелдан жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар (*бюджет ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган жисмоний тарбия ва спорт хизматлари бундан мустасно*) ҳамда банк муассасалари учун қиймати қатъий суммада белгиланган банк операциялари бўйича ҚҚСдан имтиёзларbekор қилинди.

Бунинг натижасида давлат бюджетига 2022 йилда жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари томонидан **51,9 млрд сўм** ва тижорат банклари томонидан қатъий белгиланган суммада кўрсатиладиган банк операциялари бўйича **292 млрд сўм**, ҚҚС тўланди.

ҚҚСнинг бюджетга тўлиқ келиб тушишини таъминлаш билан бир қаторда ҳисобга олинадиган ҚҚС суммасининг ҳисобланган солиқ суммасидан ошиши натижасида юзага келадиган солиқ ўрнини

қоплаш тартиби ҳам мунтазам равища такомиллаштириб борилмоқда.

**ҚҚСдан манфий фарқни қоплаш учун 2022 йил давомида 6 509 та тадбиркорлик субъектлариға 19,3 трлн сүм миқдорида маблағлар қайтарилди (ҚҚС тушумлариға нисбатан 27%). Солишириш учун, 2021 йилда ушбу мақсадларда жами 14,4 трлн сүм, 2020 йилда 9 трлн сүм маблағлар солиқ түловчиларга қайтарилган. Қоплашнинг умумий суммасидан 11,2 трлн сүм ёки 58,2%и 100 та тадбиркорлик субъектлари улушига тұғри келади.**

2022 йилда ҚҚС бүйича тушумларнинг ўсиши иқтисодий фаолликтининг ошиши, солиқ маъмуритчилигини такомиллаштирилиши билан бир қаторда, солиқ түловчилар сонининг ортиб бориши билан шартланади. 2022 йилда солиқ түловчилар сони 165,2 мингтани ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 23,7 мингтага ёки 16,7%га ошди.

Қишлоқ хұжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари томонидан ҚҚС түланиши лозим бўлган суғориладиган экин майдонлари 50 гектардан 25 гектаргача пасайтирилиши натижасида ушбу тоифадаги солиқ түловчилар сони 2022 йилда 38 мингтани ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 2,7 мингтага, ёки 7,6%га ошди.

**2022 йилда божхона органлари** томонидан ҚҚС бүйича давлат бюджетига тушумларнинг 2021 йилга нисбатан **41,8%**га кўпроқ ундирилиши таъминланди.

Божхона даромадларининг ошиши импорт ҳажмининг ошиши, божхона имтиёзларининг амал қилиш муддатининг тугаши (божхона түловлари бўйича айрим имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2022 йил 1 январдан тутатилган), тариф сиёсатининг ўзгариши (акциз солиғи ва божхона божи ставкалари), шунингдек, божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, товарларни эркин муомалага чиқаришни тезлаштириш ва божхона маъмуритчилигининг янги усууларини жорий этиш бўйича божхона органлари томонидан қўрилаётган чора-тадбирлар билан шартланган.

Масалан, 2022 йилда ўтган 2021 йилга нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари импорти **687,3 млн АҚШ долларига** ёки **38%**га ошди.

## 2021-2022 йиллар учун товарлар кесимида импорт ҳажмининг ўзгариши

минг АҚШ долл.

№	Товарлар номи	2021 йил	2022 йил	Ўсиш	
				(+/-)	%
	<b>Жами</b>	<b>23 740 369,3</b>	<b>28 115 029,2</b>	<b>4 374 659,9</b>	<b>18,4%</b>
	<i>шундан:</i>				
1	Транспорт ва унинг эҳтиёт қисмлари	3 256 055,1	4 122 491,4	866 436,3	26,6%
2	Технологик асбоб-ускуналар	3 702 879,2	3 920 734,1	217 854,9	5,9%
3	Металл ва металл буюмлари	2 857 610,3	3 433 759,8	576 149,5	20,2%
4	Озиқ-овқат товарлари	1 795 981,5	2 483 294,2	687 312,7	38,3%
5	Электротехника ва унинг қисмлари	1 928 607,3	2 029 366,7	100 759,4	5,2%
6	Фармацевтика маҳсулотлари	1 732 629,4	1 786 972,2	54 342,8	3,1%
7	Кимё саноати маҳсулотлари	1 074 552,5	1 372 889,0	298 336,5	27,8%
8	Нефть ва нефть маҳсулотлари	1 161 174,0	1 274 001,9	112 827,9	9,7%
9	Пластмасса ва пластмассадан ясалган буюмлар, плёнка	828 316,3	1 090 119,8	261 803,5	31,6%
10	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	747 029,5	963 331,0	216 301,5	29,0%

Қўшилган қиймат солигини йиғиши маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича кўрилаётган чоралар ҚҚС (йиғилувчанилиги бўйича) самарадорлигини ошириш имконини берди.

ҚҚС самарадорлиги (йиғилувчанилиги бўйича) 2021 йилдаги **48%дан** 2022 йилда **53,7%гача** ошди. (**ҚҚС йиғиши самарадорлиги = ҚҚС тушумини ЯИМдаги улуши / ҚҚС ставкаси**).

### 2020-2022 йилларда қўшилган қиймат солиги самарадорлик коэффициентининг ўзгариши

млрд сўм


№	Даромад номлари	2020 йил	2021 йил	2022 йил
	<b>ЯИМ</b>	<b>602 551</b>	<b>734 588</b>	<b>888 342</b>
1	Солиқ қўмитаси	20 486	25 572	32 812
2	Божхона қўмитаси	19 738	27 284	38 689
	ЯИМ га нисбатан улуши (йиғилувчанилик бўйича), %	6,7	7,2	8,0
	Солиқ ставкаси, %	15	15	15
	C-efficiency (йиғилувчанилик бўйича), %	44,5	48,0	53,7
	<b>Жами қўшилган қиймат солиги</b>	<b>31 177</b>	<b>38 439</b>	<b>52 189</b>
	ҚҚС қайтарилиши (қоплаш.)	-9 046	-14 417	-19 312
	қоплаш суммасининг улуши	22,5%	27,3%	27,0%

## 2.2. Акциз солиғи

2022 йилда **акциз солиғи** бўйича тушумлар **13,5 трлн сўмни** ташкил этиб, 2021 йилги нисбатан **0,4 млрд сўмга ёки 2,8%га** ошди.

2022 йилда **солиқ органлари** томонидан йиғилган акциз солиғи тушумлари **13,1 трлн сўмни** ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан **0,3 трлн сўмга**, 2020 йилга нисбатан **2,2 трлн сўмга** ошган бўлса, **божхона органлари** томонидан йиғилган акциз солиғи тушумлари **377,8 млрд сўмни** ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан **70,1 млрд сўмга** ошиб, 2020 йилга нисбатан **480,7 млрд сўмга** камайди.

### 2020-2022 йилларда акциз солиғи тушумлари динамикаси



2022 йилда жами акциз солиғи тушумларида божхона қўмитаси тушумларининг улуши 2020 йилга нисбатан қарийб **480,7 млрд сўмга ёки 56%га** камайишининг асосий сабаби 2021 йил бошидан бошлаб товарларни олиб киришда **73 та** позиция бўйича товарларга акциз солиғи ставкалари бекор қилинишидир.

Тамаки маҳсулотлари бўйича акциз солиғи ставкаси **10%га** оширилишига қарамай 2022 йил давомида ушбу маҳсулотлар бўйича тушумлар **3,6%га** ошди.

2020-2022 йилларда **солиқ органлари** томонидан йиғилган акциз солиғи тушумларининг акциз ости товарлар кесимидағи ҳолати қуидагича:



**алкоголь маҳсулотлари (пиво маҳсулотлари билан бирга) – 1 769,2 млрд сўм**  
(2021 йилда – 1 689,4 млрд сўм; 2020 йилда – 1 650,2 млрд сўм)



**тамаки маҳсулотлари – 1 998,4 млрд сўм**  
(2021 йилда – 1 929,8 млрд сўм; 2020 йилда – 1 545,0 млрд сўм)



**нефть маҳсулотлари – 576,6 млрд сўм**  
(2021 йилда – 505,5 млрд сўм; 2020 йилда – 376,3 млрд сўм)



**табиий газ – 4 221,9 млрд сўм**  
(2021 йилда – 4 291,2 млрд сўм; 2020 йилда – 3 646,4 млрд сўм)



**полиэтилен гранулалари – 251,4 млрд сўм**  
(2021 йилда – 372,1 млрд сўм; 2020 йилда – 249,3 млрд сўм)



**мобиЛЬ алоқа хизматлари – 868,0 млрд сўм**  
(2021 йилда – 1 084,3 млрд сўм; 2020 йилда – 1 208,5 млрд сўм)



**бензин, дизель ёқилғиси ва газни охирги истеъмолчига  
реализация қилишдаги акциз солиғи – 3 387,9 млрд сўм**  
(2021 йилда – 2 855,1 млрд сўм; 2020 йилда – 2 098,1 млрд сўм)

Бундан ташқари 2021 йил октябрь ойидан ўзгартирилган қатъий суммада белгиланган акциз солиғи ставкалари алкоголь ва тамаки маҳсулотлари учун 2022 йил 1 июнга қадар сақлаб қолинди ва 2022 йил 1 июндан ўртача **10%га** индексация қилинди.

Шунингдек, 2022 йилда суюлтирилган газ ишлаб чиқарувчилардан олинадиган акциз солиғи бекор қилинди. Бунинг натижасида тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида **51,6 млрд сўм** қолдирилди.


МобиЛЬ алоқа хизматини кўрсатганлик учун акциз солиғи ставкаси **15%дан 10%гача** камайтирилди. Натижада солиқ тўловчилар ихтиёрида қарийб **400 млрд сўм** қолдирилди.

Полиэтилен гранулаларига акциз солиғи ставкасини (*уларни импорт қилишда ҳам жорий қилган ҳолда*) **20%дан 10%гача** пасайтирилиши натижасида солиқ тўловчилар ихтиёрида **215,4 млрд сўм** қолдирилди.

### 2.3. Божхона божи

**Божхона божи бўйича тушумлар 2022 йилда 5,7 трлн сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 980,8 млрд сўмга ёки 20,6%га ошди.**

**2020-2022 йилларда божхона божи бўйича тушумлар динамикаси**



**Божхона божи бўйича тушумларнинг ўсишига бир қатор омиллар ижобий таъсир кўрсатди. Жумладан:**

- 2022 йилда товарлар импорти 2021 йилга нисбатан **4,4 млрд АҚШ долларига** ошди;
- 2022 йилда миллий валютага нисбатан АҚШ доллари курсининг ўзгариши;
- **импорт товарларини расмийлаштириш вақтини камайиши.** Божхона юк декларацияларини расмийлаштиришга сарфланган ўртача вақт 2021 йилда **3 соат 7 дақиқани ташкил этган бўлса**, 2022 йилда ушбу кўрсаткич **33 дақиқага** қисқартирилиб, **2 соат 34 дақиқани** ташкил қилди;
- импорт қилинган товарларга нисбатан божхона божининг **ўртача ставкаси** пасайтирилиши.

Хусусан, 2022 йилда айрим товарлар (озиқ-овқат маҳсулотлари, гигиеник воситалар ва бошқалар) учун импорт божи миқдорини вақтинчалик нол даражали ставкага туширилиши натижасида товарларини олиб келиш миқдори айнан шу товарлар бўйича 2021 йилга нисбатан **0,76 млрд АҚШ долларига** ошиб, **3,86 млрд АҚШ долларини** ташкил қилди.

### 3. Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиқлари ўзгариши


**Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи** (келгусида – ресурс солиқлари) бўйича тушумлар 2022 йилда **23,9 трлн сўмни** ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан **0,9 трлн сўмга ёки 3,8%га** ошди.

млрд сўм


Солиқ турлари	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Ресурс солиқлари - жами	21 257,0	23 036,4	23 912,8
Мол-мулк солиғи жами	1 974,3	2 457,3	4 015,4
шу жумладан:			
юридик шахслар	1 240,8	1 576,1	3 040,5
жисмоний шахслар	733,4	881,2	974,9
Ер солиғи жами	2 386,7	4 082,8	5 305,9
шу жумладан:			
юридик шахслар	1 306,8	2 662,5	3 422,0
жисмоний шахслар	1 079,9	1 420,3	1 883,9
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	16 417,1	15 811,9	13 887,4
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	478,8	684,4	704,1

Ресурс солиқлари бўйича тушумларнинг таркибида мол-мулк ва ер солиқларининг улуши 2021 йилга нисбатан **5,7%** ва **4,2%**га ошиб, ер қаъридан ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларнинг улуши мос равишда **10,5%** ва **0,1%**га камайди.


2020 йил



2021 йил



2022 йил



■ Мол-мулк солиғи  
■ Ер солиғи

■ Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ  
■ Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

### 3.1. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича

**Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумлар 2022 йилда 13,9 трлн сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 1,9 трлн сўмга ёки 12,2%га камайди.**

Ушбу солиқ бўйича тушумларнинг асосий қисми (**63,7%**) давлат улушига эга олтин ва мис қазиб оловчи корхоналар хиссасига тўғри келади.

Ушбу солиқ тури бўйича **тушумларнинг пасайиши** фойдали қазилмаларнинг айрим турлари бўйича солиқ ставкаларининг унификация қилиниши ва пасайтирилиши билан ифодаланади. Хусусан, солиқ ставкалари:

- қимматбаҳо ва рангли металлар бўйича – **10%дан 7%гача**, давлат улуши устувор бўлган корхоналар учун – **15%дан 10%гача пасайтирилди**. Натижада олтин бўйича тушумлар **2,8 трлн сўмга** камайди;
- радиоактив металлар, нодир элементлар ва нодир ер элементлари бўйича – **10%дан 8%гача**, вольфрам бўйича – **10,4%дан 2,7%гача** пасайтирилди;
- табиий газ бўйича – **30%дан 10%гача**, нефть ва газ конденсати бўйича **20%дан 10%гача пасайтирилиши** ҳамда 2022 йилдан бошлаб солиқ базасини аниқлашда “Netback” (ортга ҳисоблаш) механизми жорий этилганлиги натижасида солиқ тўловчилар ихтиёрида **538,1 млрд сўм** қолдирилди;
- норуда қурилиш материаллари бўйича ўртacha **2 баробарга** пасайтирилиши натижасида солиқ тушумлари **55 млрд сўмга** камайди, шундан қум-шағал аралашмасини қазиб олиш ҳажми **2,5 млн тоннага ошган** бўлсада, солиқ суммаси **45 млрд сўмга** камайди;
- цемент ишлаб чиқариш учун мўлжаллаган оҳактош бўйича 1 тонна учун **45 000 сўмдан 22 500 сўмгача** пасайтирилди. Бунда, цемент ишлаб чиқариш учун кўмирдан фойдаланувчи заводлар учун солиқ ставкаси 11 250 сўмга (белгиланган ставканинг 50 фоизига) камайтирилди.

Цемент ишлаб чиқариш жараёнида **кўмирдан фойдаланувчи** заводлар томонидан оҳактош қазиб олиш ҳажми қарийб 10 баробарга ошди, ва 2022 йилда цемент ишлаб чиқариш учун

оҳактош учун солиқ ставкасинининг 2 баробарга пасайтирилишига қарамасдан, солиқ суммаси 2021 йилга нисбатан **4,2 баробарга ошиб, 34,1 млрд сўмни ташкил этди.**

Цемент ишлаб чиқарувчи бошқа солиқ тўловчилар томонидан бюджетга ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушумлари **246,3 млрд сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 304,1 млрд сўмга (ёки 2,2 баробарга)** камайди. Бу уларнинг цемент ишлаб чиқариш учун оҳактош қазиб олиш хажмини **1,3 млн тоннага** ва ушбу турдаги фойдали қазилмалар бўйича солиқ ставкасининг **2 баробарга** камайиши билан шартланади.

### **3.2. Мол-мулк солиги**

**Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича тушумлар 2022 йилда 3 трлн сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 1,5 трлн сўмга ёки 2 баробарга ошди.**

**Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича тушумларнинг ўсишига** (солиқ ставкаси **2%дан 1,5%гача** пасайтирилишига қарамасдан) таъсир кўрсатган омиллардан бири 2022 йил 1 январдан бошлаб бино ва иншоотларга, уларнинг жойлашган жойига боғлиқ ҳолда **1 м<sup>2</sup>** учун мутлақ миқдорларда белгиланган энг кам қийматларни назарда тутувчи норма жорий этилганлигидир. Минимал қийматлар мол-мулк солигини бозор қийматига яқин кадастр қийматидан келиб чиқиб ҳисоблашга босқичма-босқич ўтиш мақсадида киритилди.

Бунда, солиқ юкини кескин ошиб кетмаслиги учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари **энг кам қийматга туманларнинг иқтисодий ривожланишига қараб 0,5 гача** бўлган камайтирувчи коэффициент киритиш ҳуқуқи берилган.

Шундан келиб чиқиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан мол-мулк солигини ҳисоблаш учун белгиланган энг кам қийматга республика бўйича **162 тумандан, 144 та туманга 0,5 - 0,9 оралиғидаги** камайтирувчи коэффициент тасдиқланган бўлса, **18 та туманга** камайтирувчи коэффициент қўлланилмаган.

Мазкур тартибга асосан **13,3%** солиқ тўловчилар кўчмас мулкининг ўртacha йиллик қолдиқ қийматидан келиб чиқиб, **1,6 трлн сўм** солиқ ҳисобланган бўлса, **86,7%** солиқ тўловчилар **1 м<sup>2</sup>** учун белгиланган **энг кам қийматдан** келиб чиқиб

**1,4 трлн сўмга** бўнак тўловлари бўйича маълумотнома тақдим этган.

Умумий фойдаланишдаги темир йўллар, магистраль қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек мазкур обьектларнинг ажralmas технологик қисми бўлган иншоотлар, ҳамда консервация қилиниши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган кўчмас мулк ва тугалланмаган қурилиш обьектларига нисбатан **0,5%** ставка **0,6%га** ўзгартирилганлиги ҳисобига солик тўловчилар томонидан **48 млрд сўм** тўловлар амалга оширилган.

2022 йилда **жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиги** бўйича тушумлар **975 млрд сўмни** ташкил этди ва 2021 йилга нисбатан **94 млрд сўмга** ёки **10,6%**га ошди.

### **3.3. Ер солиги**

**Юридик шахслардан олинадиган ер солиги** бўйича тушумлар 2022 йилда **3,4 трлн сўмни** ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан **789 млрд сўмга** ёки **30,2%**га ошди.

**Юридик шахслардан олинадиган ер солиги** бўйича тушумларнинг ўсишига бир қатор омиллар ижобий таъсир кўrsатган. Жумладан:

- обьектларнинг айрим турлари эгаллаган ер участкаларига (умумий фойдаланишдаги темир йўллар, магистраль қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, консервация қилиниши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган кўчмас мулк обьектлари) нисбатан ер солиги ставкаларига қўлланиладиган пасайтирувчи коэффициенти **0,3** дан **0,4 га** оширилиши ҳисобига **51 млрд сўм**;
- қишлоқ хўжалиги учун мўлажалланмаган ерлар бўйича 2021 йилда амалда бўлган базавий солик ставкаларини **7%га** индексация қилиниши ҳисобига қўшимча **145 млрд сўм** тушумлар келиб тушди.


Шу билан бирга, 2022 йилда ер солиги бўйича солик ставкаларининг аниқ миқдорлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан худудларнинг иқтисодий ривожланиши ва туманларнинг нуфузига кўра (ушбу хуқуқ 2021 йилда *маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тақдим этилган*), камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда базавий ставкалар асосида белгиланади.

Жумладан, 2022 йилда:



**Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича тушумлар 2022 йилда 1,9 трлн сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 464 млрд сўмга ёки 32,6%га фоиз ошди.**

2022 йилда ушбу солиқ турлари бўйича қўшимча тушумларнинг ўсиши ер солиғи ставкаларини **7 фоизга** индексация қилиниши ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан жисмоний шахсларга тегишли ерлар учун қўлланилган қуидаги камайтируvчи ва ошируvчи коэффициентлар ҳисобига тўғри келди, жумладан:



### 3.4. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича

**Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумлар 2022 йилда 704 млрд сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 20 млрд сўмга ёки 2,9 %га ошган.**

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ ставкалари **10%га**, иқтисодиётнинг айrim тармоқлари учун эса – **30%га** индексация қилинган бўлишига қарамасдан тушумларнинг сезиларли даражада ошишига эришилмаяпти.

Хусусан, солиқ ставкалари **30%**га индексация қилинган иқтисодиёттинг барча тармоқларидаги корхоналар учун ҳисобланган солиқ суммаси ўтган йилга нисбатан **20,1 млрд сўмга** ошди.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш, балиқларни ўстириш (етиштириш) учун фойдаланилган сув ҳажми бўйича белигланган солиқ ставкалари 2021 йил даражасида **ўзгаришсиз** сақлаб қолинган.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқларни етиштириш (ўстириш) учун **7 412,5 минг куб метр** сув ҳажми бўйича ҳисобот тақдим этилиб, **296,5 млрд сўм** солиқ ҳисобланган бўлсада, улар томонидан **259,2 млрд сўм** тўланган.

Ҳисобланган солиқларни ўз вақтида тўланмагани ҳисобига, қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқ етиштириш (ўстириш) учун солиқ тўловчиларнинг йилдан-йилга ўтиб келиб, 2023 йил 1 январь ҳолатига солиқ қарзи **275 млрд сўмни** ташкил этган.

## 4. Давлат бюджетининг бошқа даромадлари ва солиқсиз тушумлари

Давлат бюджетининг бошқа даромадлари ва солиқсиз тушумлари бўйича тушумлар 2022 йилда **42,3 трлн сўмни** ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан **15,8 трлн сўмга ёки 59,3%**га ошди.

2022 йилида бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тўловларнинг асосий улуши (62,8%) давлат улушига эга корхоналар томонидан тўланадиган дивидендлар ҳисобига тўғри келди ва **26,5 трлн сўмни** ташкил этди.

Қолган даромадлар улуши қуийдагича:

- давлат активларини хусусийлаштиришдан маҳаллий бюджетларга тушумлар – 639,3 млрд сўм;
- давлат божи – 2 717,9 млрд сўм;
- йиғимлар – 2 746,1 млрд сўм;
- жарималар – 1 518,6 млрд сўм.

### **2022 йилги солиқ имтиёзлари бўйича қисқача шарҳ**

Дастлабки маълумотларга кўра, 2022 йилда солиқ имтиёзлари суммаси **34,5 трлн сўмни**, шу жумладан Солиқ кодексига мувофиқ – **29,0 трлн сўмни** ёки жами имтиёзлар ҳажмига нисбатан **84%**ни ташкил қилди.

Солиқ имтиёзлари умумий ҳажмида ҚҚС ҳисобига **27,5 трлн сўм** тўғри келмоқда.

### **2022 йил давомида солиқ турлари кесимида фойдаланилган солиқ имтиёзлари**

млрд сўм			
T/p	Солиқ тури	Имтиёз суммаси	Улуши, %
	<b>Жами</b>	<b>34 518,1</b>	<b>100</b>
1	ҚҚС	27 510,6	79,7
	шу жумладан:		
1.1	<i>Молиявий ва суғурта хизматлари</i>	14 139,6	51,4
1.2	<i>Дори өситалари ва тиббий хизматлар</i>	6 058,4	22,0
1.3	<i>Қолганлари</i>	7 312,6	26,6
2	Фойда солиги	3 308,2	9,6
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги	840,5	2,4

4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	5,9	0,02
5	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	801,9	2,3
6	Юридик шахслардан олинадиган ер солиги	949,0	2,7
7	Ижтимоий солиқ	1 017,7	2,9
8	Айланмадан олинадиган солиқ	84,3	0,2

Шу билан бирга, 2022 йилда қўшилган қиймат солиги бўйича ноль ставкани қўллаш натижасида экспорт ва унга тенглаштирилган хизматлардан **29,5 трлн сўмлик** қўшилган қиймат солиги ҳисобланмаган.

Солиқ кодексига мувофиқ молиявий хизматлар бўйича тижорат банклари, суғурта ташкилотлари эса суғурта хизматлари бўйича қўллайдилар. 2022 йилда мазкур институтларга берилган имтиёзлар суммаси **14,1 трлн сўмни** ташкил қилди.

Шу билан бирга, тижорат банклари 2022 йил 1 апрелдан банк хизматлардан қисман ҚҚС тўлай бошладилар.

Бундан ташқари, ҚҚС бўйича 2022 йилда муддати узайтирилган солиқ имтиёзлари (гўштни (мол, қўй), тирик ҳайвонларни (мол ва қўй) ҳамда уларни сўйишдан олинган маҳсулотлар, картошкани реализация қилиш бўйича айланма ҳамда ўсимлик ёғини (пахта ёғидан ташқари) ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш) ҳисобига тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида **2,7 трлн сўм** маблағлар қолдирилди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ  
2020-2022 ЙИЛЛАРДАГИ ИЖРОСИ**

	2020 йил	2021 йил	2022 йил	Тушум ўчиши (2022 й/ 2020 й)		Тушум ўчиши (2022 й/ 2021 й)		млрд. сўм
				сумма	жамига ниисбатан % да	сумма	жамига ниисбатан % да	
<b>ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ</b>	<b>132,938</b>	<b>164,799</b>	<b>202,043</b>			<b>69,105</b>	<b>152.0</b>	<b>37,243</b> <b>122.6</b>
<i>шу жумлаудан:</i>								
<b>1. Бевосита солиқлар - жами</b>	<b>45,207</b>	<b>34.0</b>	<b>58,930</b>	<b>35.8</b>	<b>64,447</b>	<b>31.9</b>	<b>19,240</b>	<b>142.6</b> <b>5,517</b> <b>109.4</b>
1.1 Фойда солиғи	28,712	21.6	38,363	23.3	37,650	18.6	8,938	131.1 <b>-713</b> 98.1
1.2 Айланмадан олинадиган солик	1,354	1.0	1,649	1.0	2,513	1.2	1,159	185.6 863 152.3
1.3 Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	15,141	11.4	18,918	11.5	24,285	12.0	9,144	160.4 5,367 128.4
<b>2. Билвосита солиқлар - жами</b>	<b>46,428</b>	<b>34.9</b>	<b>56,290</b>	<b>34.2</b>	<b>71,390</b>	<b>35.3</b>	<b>24,962</b>	<b>153.8</b> <b>15,100</b> <b>126.8</b>
2.1 Кўшилтан қиймат солиғи (КҚС):	31,177	23.5	38,439	23.3	52,189	25.8	21,012	167.4 13,750 135.8
- КҚС бўйича тушумлар	40,224	30.3	52,856	32.1	71,501	35.4	31,277	177.8 18,645 135.3
- КҚС суммасини кайтарishi	<b>-9,046</b>	<b>-6.8</b>	<b>-14,417</b>	<b>-8.7</b>	<b>-19,312</b>	<b>-9.6</b>	<b>-10,265</b>	<b>213.5</b> <b>-4,895</b> 133.9
2.2 Акциз солиғи	11,697	8.8	13,087	7.9	13,455	6.7	1,758	115.0 368 102.8
2.3 Божхона бояки	3,554	2.7	4,765	2.9	5,746	2.8	2,192	161.7 981 120.6
<b>3. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи</b>	<b>21,257</b>	<b>16.0</b>	<b>23,036</b>	<b>14.0</b>	<b>23,913</b>	<b>11.8</b>	<b>2,656</b>	<b>112.5</b> <b>876</b> <b>103.8</b>
3.1 Мол-мулк солиғи	1,974	1.5	2,457	1.5	4,015	2.0	2,041	203.4 1,558 163.4
3.2 Ер солиғи	2,387	1.8	4,083	2.5	5,306	2.6	2,919	222.3 1,223 130.0
3.3 Ер қартидан фойдаланганлик учун солик	16,417	12.3	15,812	9.6	13,887	6.9	<b>-2,530</b>	84.6 <b>-1,925</b> 87.8
3.4 Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик	479	0.4	684	0.4	704	0.3	225	147.0 20 102.9
<b>4. Башка даромадлар ва солик бўлмаган тушумлар</b>	<b>20,046</b>	<b>15.1</b>	<b>26,542</b>	<b>16.1</b>	<b>42,293</b>	<b>20.9</b>	<b>22,247</b>	<b>211.0</b> <b>15,751</b> <b>159.3</b>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ  
2022 ЙИЛ ИЖРОСИ**

млрд. сўм

КЎРСАТКИЧЛАР	Прогноз	Ижро	
		Суммада	Фоизда
<b>ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ</b>	<b>200 000,0</b>	<b>202 042,9</b>	<b>101,0%</b>
шундан:			
<b>1. Бевосита солиқлар - жами</b>	<b>63 002,4</b>	<b>64 447,1</b>	<b>102,3%</b>
1.1 Фойда солиги	38 495,7	37 649,9	97,8%
1.2 Айланмадан олинадиган солиқ	2 393,3	2 512,7	105,0%
1.3 Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги	22 113,4	24 284,5	109,8%
<b>2. Билвосита солиқлар - жами</b>	<b>73 013,8</b>	<b>71 390,2</b>	<b>97,8%</b>
2.1 Кўшилган қиймат солиги	53 280,0	52 189,4	98,0%
2.2 Акциз солиги	14 907,3	13 455,0	90,3%
шундан:			
- алкогол маҳсулотлари, шу жумладан пиво	2 127,1	1 769,2	83,2%
- тамаки маҳсулотлари	2 281,2	1 998,4	87,6%
- нефть маҳсулотлари	561,3	576,6	102,7%
- табиий газ	4 842,4	4 221,9	87,2%
- полиэтилен гранулалари	307,3	251,4	81,8%
- мобиль алоқа хизмати	1 211,8	868,0	71,6%
- якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализацияси	3 219,5	3 387,9	105,2%
- импорт товарлари учун	356,7	377,8	105,9%
2.3 Божхона божи	4 826,6	5 745,7	119,0%
<b>3. Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиги</b>	<b>22 796,3</b>	<b>23 912,8</b>	<b>104,9%</b>
3.1 Мол-мулк солиги	3 219,3	4 015,4	124,7%
3.2 Ер солиги	4 503,6	5 305,9	117,8%
3.3 Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	14 374,8	13 887,4	96,6%
- шу жумладан, қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	614,5	546,3	88,9%
3.4 Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	698,6	704,1	100,8%
<b>4. Бошқа даромадлар ва солиқсиз тушумлар</b>	<b>41 187,5</b>	<b>42 292,9</b>	<b>102,7%</b>

**Республика бўйича солик тўловчилар сони тўғрисида**  
**МАЪЛУМОТ**

Кўрсаткичлар номи	1январь ҳолатига солик тўловчилар сони		
	2022 йил	2023 йил	фарқи (+; -)
<b>1. Солик тўловчилар сони - юридик шахслар</b>			
Фойда солиғи	140 566	165 182	24 616
Кўшилган қиймат солиғи	141 526	165 182	23 656
Акциз солиғи, жами	4 433	4 590	157
Ер қаъридан фойдаланилганлик учун солик	1 904	2 167	263
Сув ресурсларидан фойдаланинганик учун солик	137 020	156 475	19 455
шу жумладан кишилек хўжалиги корхоналари	82 804	85 478	2 674
Юридик шахслар мол-мулк солиги	64 392	77 123	12 731
Юридик шахслар ер солиги	161 028	173 397	12 369
шу жумладан кишилек хўжалиги корхоналари	101 893	102 615	722
<b>2. Солик тўловчи сони - жисмоний шахслар</b>			
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	4 925 757	5 321 825	396 068
шундан:			
- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	4 708 111	5 083 637	375 526
- қатъий белгиланган даромад солиғи	217 646	238 188	20 542
Мол-мулк солиғи	7 468 017	7 656 268	188 251
Ер солиғи	6 564 798	6 729 011	164 213